

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ ЭРКИН БАХТИЁРОВИЧ

**МИКРОИҚЛИМИ БОШҚАРИЛАДИГАН МАХСУС ИНШОТЛАРДА
ЗАЙТУН (*OLEA EUROPAEA L.*) КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Жураев Эркин Бахтиёрович

Микроклими бошқариладиган махсус иншоотларда зайтун
(*Olea europaea* L.) кўчатларини етиштиришнинг интенсив технологияси.. 3

Жураев Эркин Бахтиёрович

Интенсивная технология выращивания саженцев маслины
(*Olea europaea* L.) в специальных сооружениях с регулируемым
микроклиматом..... 19

Juraev Erkin Bakhtiyorovich

Intensive technology of cultivation of olive seedlings (*Olea europaea* L.) in
special facilities controlled microclimate..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЖУРАЕВ ЭРКИН БАХТИЁРОВИЧ

**МИКРОИҚЛИМИ БОШҚАРИЛАДИГАН МАХСУС ИНШОТЛАРДА
ЗАЙТУН (*OLEA EUROPEA L.*) КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ
ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Qx284 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Буриев Хасан Чутбаевич,
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кайимов Абдихалил Кайимович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Эшанкулов Бобомурод Инаятович,
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «12» март, соат 13³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (537739 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2019 йил «22» февралда тарқатилди.
(2019 йил «29» январдаги 1.4 рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, б.ф.д.,
академик.

Я.Х.Юлдашов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
қ.х.ф.н., доцент.

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда зайтун (*Olea europaea* L.) дунёнинг кўпгина мамлакатларида етиштирилувчи қимматбаҳо, сердаромад маданий экин тури ҳисобланади. Зайтун Суриядан келиб чиққан бўлиб, 4000 йилдан буён етиштирилади, Испания, Италия, Греция, Туркия, Озарбайжон, Араб мамлакатлари ва Туркменистонда кенг тарқалган. Зайтун мойини асосий ишлаб чиқарувчи мамлакатлар Испанияда (2 млн.га экилиб, 4,5 минг тонна ҳосил олинади), Италияда (1,5 млн.га, 3,1 минг т.), Грецияда (550 минг.га, 2,3 минг т.), Туркияда (425 минг.га, 1,8 минг т.) ва бошқа мамлакатларда жами 7 млн.га экилиб ҳосил олинмоқда.¹ Зайтун мойи юқори озуқабоп шифобахш бўлиб, қимматли субтропик мевали экиндир. Унинг мевалари ёғ, қанд, пектин, А, В, С, Е, Р гуруҳ витаминлари, К, Fe, Р каби минерал моддаларига бойлиги туфайли бошқа экин турларидан ажралиб туради.

Дунё бўйича зайтун ўсимлигининг кўчатчиликини ривожлантириш борасида кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан зайтун навларини агробиологик ва технологик хусусиятларини ўрганиш, кўчат етиштиришнинг жадаллашган усулларини ишлаб чиқиш шунингдек, зайтуннинг янги навларини яратиш, совуққа бардошлилигини ошириш, ҳосилдорлиги ва сифатини яхшилаш, кўчат етиштириш муддатини қисқартириш, она боғ плантацияларини яратиш бўйича интенсив технологиялар ишлаб чиқилган ва улар янги зайтун боғларини барпо қилишда тадбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда интенсив боғдорчилик соҳасини тубдан ривожлантириш давлат аҳамиятига эга вазифа ҳисобланмоқда, хусусан ҳукуматимиз томонидан «...паст рентабелли экин майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзорлар ва тоқзорлар барпо этиш режалаштирилган»лиги² ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларга асосий таянч ва туртки бўлди. Интенсив боғлар майдонини кенгайтиришда интродукция қилинаётган зайтун ўсимлик навларининг янги технологиялар асосида кўчатчилик тизимини ташкил этиш муаммоси, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шу боис, мевачиликда интенсив боғ барпо қилиш имконини берадиган, кўчат етиштиришда микроклими бошқариладиган муҳитни, мақбул субстрат турини, ўсишни бошқарувчи моддаларни, қаламчаларни экиш муддати, схемаларини танлаш ва интенсив технологиясини ишлаб чиқиш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал

¹ <http://www.fao.org/faostat/ru#data/QC>

² Ризқ-рўзимиз бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кўнига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2017 йил 17 декабрь, 248 (6942)-сон.

ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг 3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зайтун ўсимлигининг биологияси, навларни танлаш, иқлимлаштириш ва жадал кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича Туркия, Озарбайжон, Испания, Италия, АҚШ, Германия, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларда В.П.Алексеев, Н.К.Аренд, В.В.Воронцов, У.Г.Штейман, Э.Н.Доманская, И.А.Жигаревич, С.Б.Каменкович, В.А.Манюшко, А.Д.Микеладзе, Т.П.Барбакадзе, А.Х.Роллов, В.Ф.Руденко, П.С.Союнов, М.Т.Тарасенко, Р.Х.Турецкая, Х.Г.Хартман, К.В.Опитц, В.А.Шолохова, В.Т.Чихладзе, G.Bini, F.Gualco., B.Baratte, T.Caruso, L.Marco, C.Baldy, J.P.Rieu, N.Bazzanti, Z.Civantos, J.M.Delmas, A.De Candolle, G.Montedoro, L.Garofolo, G.Pugliano, L.Rallo, R.F.Fernandez, D.G.Voyiatzis, I.C.Porlingis, S.A.Wali, K.S.Abdul каби олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Республикамызда мевали ўсимликларни кўчатчилиги бўйича С.А.Остроухова, Р.Д.Джураев, К.И.Байметов, Д.Ё.Ёрматова, С.Я.Исламов, К.С.Султонов, Х.Б.Шаумаров, Э.Т.Бердиев, З.А.Абдикаюмов каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, республикада зайтун кўчатларини етиштириш бўйича илмий изланишлар жуда кам ҳажмда амалга оширилган бўлиб, ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти илмий тадқиқот ишлари режасининг А-9-009 сонли «Ўзбекистоннинг қуруқ субтропик иқлим шароитида саноат асосида зайтун етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) ва «Biodiversity International / SDC «Заиф экотизимларда фермер хўжаликларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг талофатларини камайтириш учун қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик ва кўчат материаллари хилма-хиллигини ва улардан фойдаланиш ҳажмини ошириш» (2015-2016 йй.) халқаро лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотлар мақсади микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотларда зайтун (*Olea europaea* L.) кўчатларини етиштиришнинг интенсив технологиясини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

зайтун кўчатларини вегетатив йўл билан кўпайтиришда махсус иншоотнинг микроклимини ўрганиш;

яшил қаламчаларни илдиз олдиришда субстратларнинг мақбул турлари ва нисбатини аниқлаш;

зайтун яшил қаламчаларига ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов беришнинг кўчатларни илдиз олиш сифати, ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

зайтун яшил қаламчаларини экиш муддатлари, экиш схемалари билан кўчатларнинг илдиз олувчанлиги, ўсиши ва ривожланиши орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб зайтунни республикага хорижий давлатлардан интродукция қилинган «Невальдильо» ва «Гемлик» навлари, хар хил субстратлар, ўсишни бошқарувчи моддалар, қаламчаларни экиш муддатлари ва экиш схемалари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб махсус иншоотнинг микроклимини ўрганиш, субстратларни танлаш, ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериш, экиш муддатлари ва схемаларини кўчатларнинг илдиз олувчанлигига, ўсиши ва ривожланишига ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар Х.Ч.Буриев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами», М.Т.Тарасенконинг «Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов», С.А.Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма»сида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилиқ оралиғи билан Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор зайтун кўчатларини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун махсус иншоотнинг микроклими такомиллаштирилган;

зайтун ўсимлиги яшил қаламчаларининг юқори даражада илдиз олишини таъминловчи субстрат тури ва уларнинг мақбул нисбати аниқланган;

зайтун яшил қаламчаларида ризогенез ва регенерация жараёнларини жадаллаштирувчи ўстирувчи модда тури ва унинг мақбул концентрацияси танланган;

зайтун яшил қаламчалари илдиз олувчанлиги, ўсиши ва ривожланиши билан экиш муддатлари ҳамда экиш схемалари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ($r=0,98$) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

зайтун кўчатларини яшил қаламчасидан жадал кўпайтириш учун микроклими бошқариладиган иншоот тузилмаси такомиллаштирилган;

яшил қаламчаларнинг жадал илдиз олишини таъминловчи сунъий субстратлар тури ва уларнинг мақбул нисбати танланган;

зайтун яшил қаламчаларида ризогенез ва регенерация жараёнлари жадаллигини таъминловчи ўсишни бошқарувчи модда тури ва уларнинг мақбул концентрацияси топилган;

яшил қаламчалар илдиз тизими ва ер устки қисмининг энг яхши ривожланишини таъминловчи экиш муддати ва экиш схемалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, тегишли сертификат ва дипломлар олинганлиги, ОАК рўйхатига кирган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада зайтунни яшил қаламчасидан вегетатив йўл билан кўпайтиришда, махсус иншоотнинг микроклими, ҳар хил субстратлар, асосий озика элементларининг мақбул агрокимёвий меъёри, қаламчаларни экиш олдидан ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериш, экиш муддатлари ва экиш схемаларининг кўчатларни илдиз отиш сифати, ўсиши ва ривожланишига ўзаро корреляцион боғлиқлигини аниқлаш ва зайтун кўчатларини кўпайтиришнинг жадаллашган технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти микроклими бошқариладиган махсус иншоотларда ва кўчатхоналарда сифатли зайтун кўчатларини етиштиришнинг агротехнологияларини, кўчатчилик билан шуғулланадиган фермер хўжаликлари экин майдонларида қўлланиши натижасида, кўчатларнинг илдиз олиши, ўсиш ва ривожланиши яхшиланиб, сифатли кўчат олишга ва рентабелликнинг ошишига эришишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Микроклими бошқариладиган махсус иншоотларда зайтун (*Olea europaea* L.) кўчатларини етиштиришнинг интенсив технологияси бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Зайтун кўчатларини яшил қаламчалардан кўпайтириш» мавзусидаги тавсиянома, «Зайтун кўчатларини ярим ёғочлашган яшил қаламчадан етиштириш» мавзусидаги технологик карта ва «Технология интенсивного выращивания саженцев маслины (*Olea europaea* L.) в условиях сухих субтропиков Узбекистана» номли монографиялар чоп этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-303-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ишланмалар боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида зайтун кўчатларини етиштиришда қўлланма сифатида хизмат қилган;

зайтун қаламчаларини ҳар хил субстратларга экиш муддати ва схемаларининг кўчатларни илдиз отиш сифати ўсиши, ривожланишига таъсири номли ишланмаси Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали

тажриба майдончасида ўрганилган. Бунинг натижасида 0,1 гектар майдонда 44356 дона юқори сифатли кўчат етиштирилиб, иқтисодий самарадорлиги ўртача 155,2 млн. сўмни ташкил этган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-303-сон маълумотномаси). Мазкур ишланма микроклими бошқариладиган иншоотда зайтун кўчатларини етиштиришда мақбул экиш муддати ва схемаларини белгилашда қўлланма сифатида фойдаланилган;

зайтун қаламчаларига экиш олдида ўсишни бошқарувчи модда (ИМК) билан ишлов беришнинг кўчатларни илдиз отиш сифати, ўсиши ва ривожланишига таъсири бўйича Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани «Bo'riev Xodja Badalovich» боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида 0,1 гектар майдонда, зайтунни яшил қаламчаларидан кўчат етиштиришнинг интенсив технологияси бўйича Олтинсой тумани «Sumbul Sulton Movia» фермер хўжалигида 0,1 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-303-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир фермер хўжалигидан 44250 дан 47100 донагача юқори сифатли кўчат етиштиришга эришилган ва иқтисодий самарадорлик ўртача 154,8 млн. ва 164,8 млн. сўмни ташкил этган;

зайтун кўчатларини вегетатив йўл билан етиштириш учун махсус иншоотнинг микроклими, ҳар хил субстратлар, уларнинг агрокимёвий ва сув-физик хусусиятлари, асосий озика элементларининг қулай меъёрларини аниқлашда академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтига қарашли Бандихон ва Денов экспериментал тажриба хўжаликларида жами 0,2 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 17 ноябрдаги 02/030-303-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир тажриба хўжалигидан ўртача 82350 дона юқори сифатли кўчат чиқишига эришилган ва иқтисодий самарадорлик 228,2 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуман, шу жумладан 3 та ҳалқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилган. Олий аттестация комиссиясини докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (1 та хорижий журналда), 14 та республика ва 3 та хорижий илмий-амалий анжуман тўпламларида, 1 та технологик карта, 1 та тавсиянома, 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва

технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Зайтун ўсимлигини (*Olea europaea* L.) келиб чиқиши, тарқалиши, ботаник таснифланиши ва кўчат етиштиришга оид манбалар»** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз адабий нашрлари маълумотлари шарҳланган. Жумладан, зайтун ўсимлигини морфо-биологик хусусиятлари ва ишлаб чиқариш тавсифи, микроклими бошқариладиган иншоотда зайтун кўчатларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, зайтун ўсимлигининг юқори сифатли кўчатларини етиштириш технологияси тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотни ўтказиш табиий-иқлим шароити, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуби ёритилган. «Тадқиқот объекти ва услублари» бўлимида зайтун ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш технологияларининг самарали элементларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ алоҳида услублар, тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Махсус микроклими бошқариладиган иншоотнинг микроклимини, субстратларнинг тури, таркиби ва меъёрини тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи бобида зайтун ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун микроклими бошқариладиган иншоотлар, қўлланиладиган субстратларнинг тури, таркиби ва меъёри тадқиқ қилинган. Жумладан, ушбу бобнинг «Зайтун кўчатларини вегетатив йўл билан кўпайтиришда махсус иншоот турлари ва уларнинг микроклимини ўрганиш» бўлимида микроклими бошқариладиган иншоотлар турлари ва уларнинг ички микроклим шароитлари таҳлил қилинган.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, махсус иншоотларда очиқ майдонга нисбатан ўзгариш амплитудаси кичик бўлган ҳаво ва субстратнинг ўртача кунлик мўътадил ҳарорат тартиби таъминланади. Иншоотни оқ мато билан қўшимча ёпиш иншоот ичига тушаётган куюш ёруғлиги оқимини камайтириш ва ёйилиб тушишига имкон беради, айнан шу билан баргларнинг куйиш эҳтимоли етарлича камайтиради. Шунингдек, электродвигателнинг автоматик ишлашини бир кунда 60 дан 20 мартагача қисқартириш, бир вақтнинг ўзида ўсимликларга пуркалаётган сув сарфини ($0,015\text{ м}^3/\text{м}^2$) кунига $10\text{ л}/\text{м}^2$ гача камайтириш имконини берди. Қаламчаларнинг илдиз олиши учун энг қулай тартиби махсус микроклими бошқариладиган иншоотда сунъий туман ҳосил қилишда юзага келади, бунда тунги ва кундузги ҳарорат ўртасидаги фарқ очиқ майдондагига нисбатан сезиларсиз фарқланди (1-жадвал).

**Ҳар хил ўлчамли махсус иншоотлар ва очик майдондаги
ҳавонинг ҳарорати (2016-2018 йй.)**

Тажриба варианти	Ҳарорат кўрсаткичи	Ойлар бўйича ҳарорат, °С			
		июнь	июль	август	сентябрь
Очик майдон (назорат)	<i>бир кеча-кундузлик ўртача</i>	22,0	19,2	17,0	16,7
	<i>кундузги ўртача</i>	24,8	22,7	22,3	22,3
	<i>тунги ўртача</i>	19,2	15,7	11,7	11,0
Кичик ўлчамли махсус иншоот, баландлиги 1 метр	<i>бир кеча-кундузлик ўртача</i>	21,3	25,1	19,8	16,7
	<i>кундузги ўртача</i>	28,5	32,4	25,8	21,5
	<i>тунги ўртача</i>	14,2	18,0	13,8	10,5
Ўртача ўлчамли махсус иншоот, баландлиги 1,5 метр	<i>бир кеча-кундузлик ўртача</i>	20,3	18,8	17,1	20,0
	<i>кундузги ўртача</i>	25,9	22,9	22,4	22,3
	<i>тунги ўртача</i>	14,7	14,6	11,9	17,6
Йирик ўлчамли махсус иншоот, баландлиги 2 метр	<i>бир кеча-кундузлик ўртача</i>	24,1	22,6	23,3	21,0
	<i>кундузги ўртача</i>	29,9	28,8	28,8	24,5
	<i>тунги ўртача</i>	18,4	16,4	17,8	17,6

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳавонинг бир кеча-кундузлик ўртача ҳарорати йирик ўлчамли махсус иншоотда 24,1 дан 21,0°С гача, ўртача ўлчамли махсус иншоотда 20,3 дан 20,0°С гача ва кичик ўлчамли махсус иншоотда 21,3 дан 16,7°С гача, ўзгарди.

Ҳавонинг кундузги ўртача ҳарорати июнь ойида йирик ўлчамли махсус иншоотда 29,9°С, ўртача ўлчамли махсус иншоотда 25,9°С, кичик ўлчамли махсус иншоотда 28,5°С ва очик майдонда 24,8°С бўлди.

Июль ойида ҳавонинг кундузги ўртача ҳарорати йирик ўлчамли махсус иншоотда 28,8°С, ўртача ўлчамли махсус иншоотда 22,9°С, кичик ўлчамли махсус иншоотда 32,4°С, ва очик майдонда 22,7°С бўлди.

Август ва сентябрь ойларида кундузги ўртача ҳарорат ўртасидаги фарк сезиларсиз бўлди.

Июнь-сентябрь ойларида субстратнинг энг юқори ҳарорати йирик ўлчамли махсус иншоотда 28,7-27,6°С, ўртача ўлчамли махсус иншоотда 30,1-29,0°С, кичик ўлчамли махсус иншоотда 31,3-27,8°С чегарасида ўзгарди.


Махсус иншоотларда очик ерга нисбатан қулай бўлган ҳаво ва субстратнинг ҳарорат тартиби таъминланди, унда очик ерга нисбатан фарк 2,7-5,3°С ни ташкил этди.

Ўсимликларнинг яхши илдиз олиши учун вертикал ҳарорат градиенти (тупроқ-ҳаво) ва ҳавонинг нисбий намлиги махсус иншоотларда қулай даражада бўлди ва мос ҳолда 3,2-3,3°С ва 88,0-89,7% ни ташкил этди. Зайтун кўчатларини етиштириш учун иншоот ичининг ёритилганлик даражаси очик майдонга (110,0 минг/люкс) нисбатан 17,3 и 24,0% га кам бўлди.

«Зайтун кўчатларини яшил қаламчаларидан кўпайтиришда сунъий субстратларнинг тури, таркиби ва меъёрини ўрганиш» деб номланган бўлимида зайтун ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтириш учун мақбул субстратни

танлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Яшил қаламчаларни илдиз олдириш учун танланган субстратлар таркибини ўрганиш шуни кўрсатдики, ялпи азот ва фосфор чириган гўнгда энг юқори миқдорда – 0,58 ва 0,50%, ёғоч қиринди ва шולי пўстлоғида энг кам – 0,18 ва 0,24%, калий – шולי пўстлоғи ва ёғоч қириндида мос ҳолда 0,75 ва 0,58% эканлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Субстратлардаги озуқа элементлари (NPK) миқдори

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ҳажм оғирлиги кумда энг юқори - 1,55 г/см³, чириндида камроқ - 0,75 г/см³, шולי пўстлоғи ва ёғоч қириндида мос ҳолда 0,13 ва 0,17 г/см³ ни ташкил этди. Субстратларнинг намлик сиғими ҳажм оғирлигига тесқари боғлиқликда бўлди. Энг юқори намлик сиғими (467%) ёғоч қириндисида қайд этилди. Шולי пўстлоғи ва чириндида икки баробар камроқ (166-173%) намлик сиғими аниқланди, дарё кумида эса ушбу кўрсаткич 28% ни ташкил этди.

Субстратларнинг агрокимёвий ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улардаги асосий озуқа элементларининг миқдори 6,6-10% ни ташкил этади, бу эса ўсимликлар учун тавсия этилган меъёрдан 18-20 марта камдир. Яшил қаламчаларни илдиз олдириш учун кум ва ёғоч қириндини соф ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, негаки биринчи ҳолатда қаламчалар намлик етишмаслигидан, иккинчи ҳолатда эса аксинча, унинг ҳаддан зиёд мўллигидан нобуд бўлади. Дарё кумининг бошқа намлик сиғими юқори субстратлар билан 1:2 ва 1:3 нисбатда қўллаш ушбу комбинацияда сув-физик хоссаларнинг яхшиланиши туфайли, улардан муваффақиятли фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг «Зайтун кўчатини ярим ёғочлашган яшил қаламчаларидан етиштиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида зайтун ўсимлигини яшил қаламчасидан кўпайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Жумладан ушбу бобнинг «Зайтун яшил қаламчаларига экиш олдида

ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов беришнинг кўчатларни илдиз отиш сифати, ўсиши ва ривожланишига таъсири» деб номланган бўлимида зайтун яшил қаламчаларининг ризогенези ва регенерация жараёнларини ўстирувчи моддалар воситасида рағбатлантириш бўйича олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Тадқиқотларда зайтунни «Невальдильо» ва «Гемлик» навлари яшил қаламчаларида ризогенезнинг кечишига ўстирувчи модданинг сезиларли таъсири қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Зайтунни яшил қаламчаларида регенерация жараёнларининг ўстирувчи модда тури ва концентрациясига боғлиқлиги (2016-2018 йй.)

Тажриба варианты	Қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги, %	Илдиз тизимининг ҳажми, см ³	Биринчи тартиб новдалар сони, дона	Ўсимлик бўйи, см
Невальдильо нави				
Назорат - сув	82,5±4,5	7,7	1,1	59,9
ИСК - 25 мг/л	93,0±2,5	10,7	3,0	64,2
ИСК - 50 мг/л	97,1±1,7	12,9	4,1	75,3
ИСК - 100 мг/л	96,0±1,4	12,7	4,3	74,5
ИМК -10 мг/л	94,0±1,4	10,2	4,2	74,2
ИМК -20 мг/л	96,0±2,0	11,9	4,2	78,1
ИМК -30 мг/л	95,1±1,7	10,9	4,2	76,5
НСР ₀₅				10,1
Р%				2,1
Гемлик нави				
Назорат - сув	74,3±3,7	6,0	1,4	53,7
ИСК - 25 мг/л	88,5±3,2	9,8	3,2	69,4
ИСК - 50 мг/л	95,3±2,2	10,2	4,1	74,7
ИСК - 100 мг/л	92,3±2,2	9,5	4,3	77,2
ИМК -10 мг/л	95,3±1,9	8,8	4,1	73,7
ИМК -20 мг/л	96,6±2,6	9,0	4,6	76,6
ИМК -30 мг/л	94,0±2,1	8,6	4,4	75,8
НСР ₀₅				8,8
Р%				1,7

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, индолилмой кислота (ИМК) 20-30 мг/л ва индолилсирка кислота (ИСК) 50-100 мг/л таъсирида қаламчаларда алоҳида ривожланиш фазаларининг бошланиши қуйидагича тезлашди – каллус ҳосил бўлиши 3-6 кунга, илдиз ола бошлаш 5-9 кунга, ялпи илдиз ҳосил бўлиши 3-7 кунга ва новдаларнинг ўса бошлаши 3-8 кунга амалга

ошди. Ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов беришга «Невальдильо» нави кучли, «Гемлик» нави эса султ таъсирчанлик намоеън этди. Бунинг боиси шундаки, «Гемлик» навининг она ўсимликлари бу даврда тиним даврида бўлди. Мос ҳолда қаламчаларга ИСК билан ишлов беришнинг 25 мг/л сув концентрацияси қаламчаларда интенсив илдиз ҳосил бўлиши учун етарли эмаслиги яққол кўринди. Ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов бериш модданинг ҳар қандай концентрациясида ҳам назорат вариантыга нисбатан яшил қаламчаларни илдиз олишининг ортишига имкон беради.

«Гемлик» навида илдиз олувчанлиги ИСКнинг 25 мг/л концентрациясида назоратга (74,3%) нисбатан 88,5% кузатилди. Бошқа вариантларда у 92-95% чегарасида ўзгарди. «Невальдильо» навида илдиз олувчанлиги ИСКнинг 25 мг/л концентрациясида назорат (82,5%) кўрсаткичига нисбатан 93% кузатилди. Бошқа вариантларда у 96-97% чегарасида ўзгарди. Ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов берилганда зайтуннинг иккала навида ҳам ризогенез жараёнининг фаоллашуви кузатилди.

Ўсимликлар илдиз тизими ривожланиш кўрсаткичларини таққослаш шуни кўрсатдики, зайтун яшил қаламчаларига ишлов бериш учун ИСК 50 мг/л ва ИМК 20 мг/л, энг мақбул меъёр бўлиб, у ўсимликларнинг яхши шохланиши, биринчи ва иккинчи тартиб илдизлар узунлигининг ортиши, шунингдек илдиз тизими умумий ҳажмининг ортишини таъминлайди.

Ўсишни бошқарувчи моддалар кўчатларни ер устки қисмининг ривожланишига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатди, бу эса илдиз тизимининг ривожланиши билан корреляцион боғлиқ бўлди. Зайтуннинг иккала навида ҳам энг яхши ривожланган ўсимликлар қаламчаларига ИСК нинг 50 мг/л ва ИМКнинг 20 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов берилганда илдиз тизими шаклланди. Ушбу тажриба вариантларида бошқа вариантларга нисбатан новдаларнинг умумий узунлиги ва баргларнинг ассимиляция сатҳи энг юқори кўрсаткичларда бўлди. Ўсимликлар ер устки қисмининг ривожланиш кўрсаткичлари «Невальдильо» навининг «Гемлик» навига нисбатан ўсишни бошқарувчи моддалар билан ишлов беришга кўпроқ таъсирчан эканлигини кўрсатди.

«Зайтун яшил қаламчаларини экиш муддатларининг кўчатларни илдиз олувчанлигига, ўсиши ва ривожланишига таъсири» деб номланган бўлимида яшил қаламчаларнинг энг яхши илдиз олувчанлигини таъминловчи қаламча олиш муддатини оптималлаштириш бўйича ўтказилган тажриба натижалари келтирилган (3-жадвал).

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ярим ёғочланган новдаларнинг қаламчалаш муддатига нафақат уларнинг илдиз олувчанлиги, балки илдиз ҳосил бўлиш муддати, қаламчада куртакларнинг уйғонувчанлиги, шунингдек ўсимлик илдиз тизими, ер устки қисмининг ривожланиш даражаси, новдаларнинг пишиши ва кўчатларнинг қишлашига ҳам боғлиқ бўлиши кузатилди.

Зайтун ўсимлиги яшил қаламчаларини экиш учун мақбул муддат майнинг учинчи ўн кунлиги – июннинг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади. Бу вақтда ўсимликлар фаол ўсув даврида бўлганлиги боис, регенерация шароитлари учун мўътадил шароитлар таъминланди.

**Зайтун яшил қаламчаларида ризогенез жараёнларининг қаламчалаш
муддатига боғлиқлиги (2016-2018 йй.)**

Қаламча-ларни экиш санаси	Илдиз олувчанлиги, %	Илдизларнинг шохланиш тартиби сони	Биринчи тартиб илдизлар сони, дона	Илдизнинг умумий узунлиги, см	Илдиз тизимининг ҳажми, см ³
Невальдильо нави					
25.05	97	3,9	22,6	448,0	13,3
10.06	82	3,8	22,1	393,7	11,0
20.06	87	3,0	20,5	361,5	11,2
10.07	83	2,8	19,4	275,3	7,5
НСР ₀₅					2,3
Р%					0,7
Гемлик нави					
25.05	98	3,9	20,3	410,1	11,3
10.06	89	3,8	20,2	395,1	9,8
20.06	89	3,3	19,3	360,1	8,5
10.07	82	2,7	19,0	267,1	7,3
НСР ₀₅					2,0
Р%					0,6


Ушбу бобнинг «Зайтун яшил қаламчаларини илдиз олиши, ўсиши ва ривожланишини кўчатларнинг экиш схемаларига корреляцион боғлиқлиги» деб номланган бўлимида яшил қаламчаларнинг илдиз олиши ва юқори сифатли кўчатларнинг ўсишида экиш схемасининг роли ёритилган.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, энг яхши илдиз олувчанлик қаламчалар 15×10 см схемада ўтқазилганда қайд этилди. Зайтун қаламчаларини бирмунча қалин – 15×5 см схемада ўтқазилганда илдиз олиш даражасининг бироз пасайишига олиб келди. Фикримизча, бу ҳолат илдиз ривожланадиган субстрат қатламида иссиқлик ва ҳаво алмашинув шароитларининг ёмонлашиши шунингдек, субстратнинг ортиқча намланиб қолиши билан тушунтирилади.

Яшил қаламчаларнинг озикланиш майдони кўчатларда илдиз тизимининг ривожланиш даражасига маълум даражада таъсир кўрсатди. Қаламчалар 15×15см ва 15×10 см схемада ўтқазилганда ўсимликлар илдиз тизимининг шохланиш тартиби, биринчи тартиб илдизлар сони ва уларнинг узунлиги бўйича ушбу икки вариантда ўзаро бир-бирига яқин кўрсаткичлар қайд этилди.

Илдиз тизимининг ривожланиш жадаллиги бевосита ер устки қисмининг ўсишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. Бинобарин, илдиз тизимининг ҳажми энг юқори бўлган (13,3 см³) тажриба вариантыда ўсимлик ер устки қисмининг ҳам жадал ўсиши қайд этилди. Қаламчалар 15×15 см ва 15×10 см схемада

ўтқазилган вариантларда ўсимликлар илдиз тизими ва ер устки қисмининг ўлчами ўзаро бир-бирига яқин кўрсаткичларда бўлди (2-расм).



2-расм. Ҳар хил схемада экилган 1 сотих (100 м²) майдондаги кўчат чиқими

Юқоридаги расмда келтирилганидек, қаламчаларни 15×5 см экиш схемасида (озикланиш майдони 0,0075 м²) зичлаштириб ўстириш, иншоотнинг фойдали майдони бирлигидан кўчат чиқиш миқдорини (133,3 дона./м²) етказиш имконини берувчи усул сифатида янги (Невальдильо ва Гемлик) қимматли навларни тезкор кўпайтиришда самарали қўлланилиши мумкин. Кўчат чиқиш миқдорини (66,6 дона./м²) оширишда сийракроқ бўлган 15×10 см (0,015 м²) экиш схемасини, сифатли кўчатларни (44,4 дона./м²) етиштиришда 15×15 см (0,0225 м²) экиш схемасини қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги тадқиқотларимиздан маълум бўлди.

Зайтун кўчатларини микроклими бошқариладиган махсус иншоотда зайтун қаламчаларини яшил қаламчалаш усулидан фойдаланиш кўчат етиштиришда иншоотнинг 100 м² майдонидан 10,9 млн. сўмгача соф фойда олиш ва кўчат ишлаб чиқариш рентабеллигини 575,8% га етказиш имконини беради.

ХУЛОСАЛАР

1. Микроклими бошқариладиган махсус иншоот ҳажмини ошириш ҳароратнинг кичик диапазонда ўзгаришини таъминлайди. Жумладан иншоот баландлиги 1 метр бўлганда 21,3 дан 16,7°С гача, 1,5 метр бўлганда – 20,3 дан 20,0°С гача, ва 2 метр бўлганда 24,1 дан 21,0°С гача, субстратнинг энг юқори ҳарорати эса кичик ўлчамли махсус иншоотда (баландлиги 1 метр) 31,3-27,8°С, ўртача ўлчамли иншоотда (1,5 метр) 30,1-29,0°С ва йирик ўлчамли махсус иншоотда (2 метр) 28,7-27,6°С чегарасида ўзгаради.

2. Махсус иншоот устини қўшимча мато билан ёпиш қулай микроклимни таъминлайди. Жумладан, оқ бўз мато билан қўшимча ёпилган иншоот ичида

ҳавонинг кунлик ўртача ҳарорати 31,4°C, плёнка билан ёпилган вариантда эса 32,7°C, тунги соатларда ҳам мос равишда 17,4°C ва 18,4°C атрофида бўлади. Бундан ташқари. оқ бўз матодан фойдаланиш электродвигателнинг автоматик ишлашини бир кунда 60 дан 20 мартагача қисқартириш, бир вақтнинг ўзида ўсимликларга пуркалаётган сув сарфини кунига 15 дан 10 л/м² гача камайтириш имконини беради.

3. Микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда сунъий субстрат сифатида кумнинг чиринди билан аралашмасидан фойдаланиш юқори натижа беради. Кумнинг бошқа субстратлар билан аралашмасида азот миқдори 0,51-0,53%, фосфор - 0,43-0,45%, калий - 0,65-0,75% дан ошмайди, бу эса ўсимликлар учун тавсия этилган меъёрдан 18-20 мартаба камдир.

4. Қаламчаларнинг илдиз олувчанлиги кум+чириндининг 1:3 нисбатдаги аралашмасида «Невальдильо» навида 99%, «Гемлик» навида 90,5% гача етди, кумнинг ўзида (назорат) илдиз олувчанлик 82,3% дан ошмайди. Илдиз олдиришда кум ва ёғоч қириндини соф ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, биринчи ҳолатда қаламчалар намлик етишмаслигидан, иккинчи ҳолатда эса аксинча, унинг ҳаддан зиёд юқори намлигидан нобуд бўлади.

5. Қаламчаларни 15×5 см экиш схемасида (озикланиш майдони 0,0075 м²) зичлаштириб ўстириш, иншоотнинг фойдали майдони бирлигидан кўчат чиқиш миқдорини (133,3 дона.м²) етказиш имконини берувчи усул сифатида янги (Невальдильо ва Гемлик) қимматли навларни тезкор кўпайтиришда самарали қўлланилиши мумкин. Кўчат чиқиш миқдорини (66,6 дона./м²) оширишда сийрақроқ бўлган 15×10 см (0,015 м²) экиш схемасини, сифатли кўчатларни (44,4 дона.м²) етиштиришда эса 15×15 см (0,0225 м²) экиш схемасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

6. Микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда ўрганилган навларнинг (Невальдильо ва Гемлик) қаламчаларини озикланиш майдони қанчалик кичик бўлса, (0,0225 м²) кўчат чиқими юқори бўлиши, озикланиш майдони катта бўлса, (0,0075 м²) кўчат чиқими кам бўлиши кузатилиб улар орасидаги корреляция боғлиқлиги (r=0,91) аниқланди.

7. Зайтун қаламчаларини микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда экиш учун мақбул муддат: май ойининг учинчи ўн кунлиги ва июнь ойининг биринчи ўн кунлиги ҳисобланади, бу вақтда қаламчаларнинг фаол ўсув даври бўлганлиги боис, регенерация шароитлари учун мўътадил шароитлар таъминланди.

8. Ўрганилган зайтун навларида қаламчаларнинг энг яхши илдиз олувчанлигига уларга экишдан олдин ўсишни бошқарувчи моддалар –ИСКнинг (индолил сирка кислота) 50 мг/л (илдиз олувчанлик Невальдильо навида – 97,1% Гемлик навида – 95% бўлган), ИМКнинг (индолил мой кислота) 20 мг/л концентрацияли эритмаси билан (Невальдильо – 96,0%, Гемлик – 94,0%) ишлов берилганда эришилади.

9. Зайтун кўчатларини микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда яшил қаламчасидан етиштириш иншоотнинг 100 м² фойдаланиладиган майдонидан 10,9 млн. сўмгача соф фойда олиш ва кўчат ишлаб чиқариш

рентабеллигини 575,8% га етказиш имконини беради.

10. Зайтун кўчатларини махсус иншоотда яшил қаламчасидан етиштириш учун кўчатчилик хўжаликларига:

қаламчаларнинг энг яхши ризогенези, шунингдек уларда илдиз тизимининг жадал ривожланиши учун субстрат сифатида йирик донадор дарё қуми ёки шולי пўстлоғининг чиринди билан 1:2 ёки 1:3 нисбатидаги аралашмасидан фойдаланиш;

яшил қаламчаларни 10-12 см узунликда тайёрлаш ва уларни субстратга 15x10 см схемада экиш;

сифатли кўчатларнинг юқори даражада чиқишини таъминлаш учун ушбу яшил қаламчаларни махсус иншоотларга 25 майдан 10 июнгача бўлган муддатдан кечиктирмай экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЖУРАЕВ ЭРКИН БАХТИЯРОВИЧ

**ИНТЕНСИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ВЫРАЩИВАНИЯ САЖЕНЦЕВ
МАСЛИНЫ (*OLEA EUROPAEA* L.) В СПЕЦИАЛЬНЫХ
СООРУЖЕНИЯХ С РЕГУЛИРУЕМЫМ МИКРОКЛИМАТОМ**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/Qx284.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Буриев Хасан Чутбаевич
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Кайимов Абдухалил Кайимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Эшанкулов Бобомурод Инятович,
доктор философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт
растениеводства**

Защита диссертации состоится «12» марта 2019 года в 13³⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована номером 537739). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсном центра Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «22» февраля 2019 года.
(реестр протокола рассылки №1.4 от «29» января 2019 года).

Б.А.Сулаймонов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.б.н., академик.

Я.Х.Юлдашов

Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, к.с.х.н., доцент.

М.М.Адилов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день маслина (*Olea europaea* L.) является ценной, высокоприбыльной культурой во многих странах мира. Местом происхождения маслины является Сирия и выращивается там более 4000 лет, она широко распространена в таких странах как Испания, Италия, Греция, Турция, Азербайджан, Арабские страны и Туркменистан. Основными производителями оливкового масла являются Испания (2 млн.га; 4,5 тыс.тонн. урожая), Италия (1,5 млн.га; 3,1 тыс.тонн.), Греция (550 тыс.га; 2,3 тыс.тонн.), Турция (425 тыс.га; 1,8 тыс.тонн.) ежегодно выращивают маслины на 7 млн.га общей площади.¹ Маслина является очень полезной субтропической плодовой культурой. Благодаря высокому содержанию масла, сахаров, пектинов, витаминов А, В, С, Е, Р, а также минеральных веществ К, Fe, Р маслины отличаются от других растений.

В мире широко ведутся научные исследования по развитию питомноководства маслины. В частности, проведено изучение агробиологических и технологических признаков маслины, созданы и внедрены в производство интенсивные технологии по выведению новых морозоустойчивых сортов, повышению урожайности и улучшению качества, сокращению сроков выращивания культуры, закладки маточных плантаций.

В нашей стране в области плодоводства правительством республики приняты важные меры по сокращению «...низкорентабельных земель, освобожденных из под хлопчатника, зерновых культур и использованию их под закладку садов, ореховых рощ и плантаций виноградников».² Организация системы производства саженцев маслины, интродуцируемой в нашу страну, отражена в задачах, поставленных в «Приоритетных направлениях Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Поэтому, введение в производственный сельскохозяйственный цикл выращивания новой нетрадиционной плодовой культуры маслины с разработкой под нее современной технологии выращивания посадочного материала, выбора типа субстрата, росторегулирующих препаратов, установление сроков посадки и схем размещения саженцев в искусственных субстратах с использованием специального сооружения с регулируемым микроклиматом является актуальной задачей, имеющей научное и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, опереженных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2018 года УП-5388 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию плодоовощеводства в Республике Узбекистан» и пункта 3.3 «Модернизация и ускоренное развитие сельского хозяйства», Указа Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947

¹ <http://www.fao.org/faostat/ru#data/QC>

² Ризқ-рўзимиз бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазирамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қишлоқ хўжалиги ходимлари қунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2017 йил 17 декабрь, 248 (6942)-сон.

«О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования по выращиванию саженцев маслины ведутся в таких зарубежных странах как Турция, Азербайджан, Испания, Италия, США, Германия, Россия, Украина такими учеными как В.П.Алексеев, Н.К.Аренд, В.В.Воронцов, У.Г.Штейман, Э.Н.Доманская, И.А.Жигаревич, С.Б.Каменкович, В.А.Манюшко, А.Д.Микеладзе, Т.П.Барбакадзе, А.Х.Роллов, В.Ф.Руденко, П.Союнов, М.Т.Тарасенко, Р.Х.Турецкая, Х.Г.Хартман, К.В.Опитц, В.А.Шолохова, В.Т.Чихладзе, G.Bini, F.Gualco, V.Baratte, T.Caruso, L.Marco, C.Baldy, J.P.Rieu, N.Bazzanti, Z.Civantos, J.M.Delmas, A.De Candolle, G.Montedoro, L.Garofolo, G.Pugliano, L.Rallo, R.F.Fernandez, D.G.Voyiatzis, I.C.Porlingis, S.A.Wali, K.S.Abdul.

В республике выращиванием саженцев плодовых культур занимались такие ученые, как С.А.Остроухова, Р.Д.Джураев, К.И.Байметов, Д.Ё.Ёрматова, С.Я.Исламов, К.С.Султонов, Х.Б.Шаумаров, Э.Т.Бердиев, З.А.Абдикаюмов. Однако, научные исследования по выращиванию саженцев маслины до настоящего времени в республике проводились крайне мало, поэтому проведение исследований в данном направлении является актуальным.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертационные исследования проводились в рамках проектов А-9-009 «Разработка технологии выращивания маслины на промышленной основе в условиях сухого субтропического климата Узбекистана» (2015-2017 гг.), и проекта “Bioversity International / SDC «Повышение разнообразия посевных материалов сельскохозяйственных культур для обеспечения продовольственной безопасности фермерских хозяйств в слабых экосистемах и повышение объемов их использования для уменьшения их убытков» (2015-2016 гг.).

Целью исследования является разработка интенсивной технологии выращивания саженцев маслины (*Olea europaea* L.) из зеленых черенков в искусственных субстратах с использованием специального сооружения с регулируемым микроклиматом.

Задачи исследования:

изучить микроклимат в специальном сооружении для выращивания саженцев маслины из зеленых черенков;

определить оптимальные виды и соотношения искусственных субстратов для выращивания саженцев маслины из зеленых черенков;

изучить влияние обработки зеленых черенков маслины регуляторами роста на качество укоренения, рост и развитие саженцев;

выявить взаимосвязь между сроками, схемами посадки, укореняемостью черенков, их ростом и развитием.

